

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



# Vaziyat

2022 йил  
21 июль  
№ 29 (866)



**2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказий аппаратида вазирликнинг 2022 йил биринчи ярмидаги фаолият яқунларига бағишланган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Унда вазирлик раҳбарияти, Марказий аппарат бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлим ва хизматлар, ҳудудий ФВБлар, таркибий тузилмалар бошликлари ҳамда масъул ходимлар иштирок этдилар.

## ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Мажлисида ҳисобот даврида аҳоли ва ҳудудларни ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, соҳа йўналишлари бўйича бир қатор вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишларга танқидий тўхталиб ўтилди.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда, фаолият давомида йўл қўйилган камчиликлар ҳам кайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан масъул бошқарма ва хизматларга қўрсатма ҳамда тавсиялар берилди.

Тадбир якунида келгусидаги режалар ва устувор вазифалар юзасидан ўзаро келишиб олинди.

ФВВ Матбуот хизмати.

## МЕҲРИ БУЛОҚЛАР ОШЁНИ

*Инкоровлар хонадони етти нафар ўғил-қизни фарзанд қилиб олди*

**Дунёда инсон учун фарзанддай азиз неъмат йўқ. Ўзбек халқи азал-азалдан фарзандим деб яшайди. Элимизда бежизга болали уй бозор, болали уйда ғийбат йўқ дейишмайди. Хонадонингда болалар кулгуси-ю шўхликлари жаранглаб турса, бундан ортиқ бахт борми?!**

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам халқимизнинг кўрсатган бағрикенглиги, болажонлиги бутун дунёнинг меҳрини қозонган. Бугун халқимиз ана шундай эзгу фазилати ва олий-жаноблигини яна бир қарра намойён қилмоқда. Ҳурматли Президентимизнинг эзгу ташаббуслари, яъни 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг самарали натижаси ўлароқ Меҳрибонлик уйларидаги фарзандлар хонадонларга жойлаштирилмоқда. Болажон

оилалар ўз ихтиёрлари ва ташаббуслари билан Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оилаларига олиб келиб, фарзандлари каби авайлаб-асраб, меҳр бериб тарбияламоқдалар. Бу бежиз эмас, чунки оилаларга кўчиб ўтган болалар, чинакам маънода, ота-она меҳри, ўзбекона таълим-тарбия, халқимизга хос меҳр-оқибат, қариндош-уруғлик анъаналари ила камол топиб, юртга, жамиятга керакли инсон эканликларини англаб, яйраб-яшнаб камол топмоқдалар.



Ушбу эзгу ва хайрли анъана мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва хизматчилар оилаларида ҳам давом этмоқда.

Чирчиқ шаҳар 8-ёнғин-қутқарув қисми йўриқчи-қутқарувчиси оддий аскар Ихлосбек Инкоров ҳам ана шундай ташаббусни амалга оширган

ҳамкасбларимиздан бири. Ҳозирда у Меҳрибонлик уйидан жами 7 нафар ўғил-қизни ўз оиласига қабул қилиб олган бўлиб, хонадон улуғлари – ота-онаси ва турмуш ўртоғи билан уларнинг таълим-тарбияси билан машғул бўлиб келмоқдалар.

(Давоми 5-бетда)



## НАМАНГАНДА САЙЁР ҚАБУЛ

Ўзбекистон Қуролли Кучлар тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, яшаш ва турмуш тарзини яхшилаш, хизмат сифатини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Наманган вилоятида сайёр қабул ташкил этилди.

Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбосари Сарвар Муҳитдинов раҳбарлигида ўтказилган сайёр қабулда вилоят миқёсидаги барча ҳарбий тузилмалардан ташриф буюрган 120 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари иштирок этиб, мутасаддиларга мурожаатлар йўллашди.

Тадбирда ҳарбий хизматчилар ва оилаларни ижтимоий муаммолари ўрганилиб, мурожаатларни ижобий ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жараёнда жами 25 та мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 11 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 2 та мурожаат назоратга олинган ҳолда тегишли ташкилотларга йўналтирилди. Шунингдек, 12 нафар мурожаатчига амалдаги қонун талабларига мувофиқ тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга С.Муҳитдинов томонидан иштирокчиларга мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, халқ фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, бу борада қабул қилинаётган янги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти бўйича тушунчалар берилди.

**Азизбек АБДУРАҲМОНОВ,**  
Республика Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси,  
адлия подполковниги.

## ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлиги билан ҳамкорликда «Коррупциядан холи Янги Ўзбекистон учун бирлашайлик!» шиори остида тарғибот тадбири ўтказилди.

Унда қўмондонлик тизимидаги барча ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий прокуратураси терговчиси Шоилхон Шоакбаров маъруза қилиб, бугунги кунда давлатимиз томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида тушунчалар берди ҳамда мамлакат истиқболи ва юрт равнақига фов бўлувчи коррупция иллатига барҳам бериш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Йиғилиш якунида Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Округ қўшинлари қўмондони номига киритилган тақдимнома муҳокама қилиниб, масъуллар томонидан жиноятга оид хабар, ариза ва бошқа маълумотларнинг рўйхатга олиниши, унга кўра терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиш ва натижаси бўйича қарор қабул қилиниши борасидаги амалдаги процессуал тартиб-таомиллар бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

**Алишер ҚУРБОНОВ,**  
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.



Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларида хизмат қилаётган прокурор-тергов ходимларнинг касбий малакасини ошириш билан бир қаторда, уларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишга оид билим ва маҳоратини мустаҳкамлаш бўйича қатор ўқув машғулоти ўтказиб келинмоқда.

## ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ



Навбатдаги машғулот Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги «Ватанпарвар» чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлари бўйича тайёрлаш марказида йўл-ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда Республика Ҳарбий прокуратураси маққамаси прокурор-тергов ходимлари иштирок этди.

Ўқув машғулоты давомида ходимларга йўл ҳаракати қоидаларидаги янгиликлар ҳақида батафсил тушунтиришлар бериб ўтилди.

Машғулот якунида ҳарбий прокуратура ходимларининг йўл ҳаракати қоидаларини билиш даражаси замонавий технологиялар асосида баҳоланди ҳамда автотренажер ва хизмат автомашинасида уларнинг ҳайдовчилик маҳорати синондан ўтказилди.

**Бахтиёр АҲМЕДОВ,**  
Республика Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси,  
адлия подполковниги.

## КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамасининг 2020 йил 14 декабрдаги «2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 781-сонли қарорига асосан, Сурхондарё вилояти Мудофаа ишлари бошқармасида «Китобхонлик маданияти – давр талаби» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Тадбирда Жанубий оператив қўмондонлиги, Сурхондарё вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси, Термиз ҳарбий прокуратураси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши Сурхондарё вилоят минтақавий бўлиниши ва жамоатчилик кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, «Собир Ат-Термизий» номидаги Сурхондарё вилояти марказий кутубхона ходимлари, Фахрийлар ишлари бўйича вилоят кенгаши ҳамда вилоят МИБ ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлари бўйича тайёрлаш маркази чақирилувчилари иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар томонидан маънавият – инсонни руҳан поклаши, қалбдан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларнинг мезони эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда чақирилувчи курсантлар таниқли шоирларнинг шеърларидан парчалар ўқидилар. Фаол иштирок этган ёшларга ташкилотчилар томонидан китоблар совға қилинди.

**Ғиёсиддин РАҲМОНОВ,**  
Термиз ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия майори.

## ҚИНҒИР ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ҳар бир инсон яхши ҳаёт кечиришни хоҳлайди. Хоҳишни эса ҳалол меҳнат орқали амалга ошириш керак. Агарки, истакка фирромлик орқали эришмоқчи бўлса, қаттиқ адашибди. Мисол тариқасида «Mir Best Firm» МЧЖ раҳбари И.Б. ни келтириш мумкин. У мазкур жамият директори сифатида турли хўжалик юритувчи субъектлар билан шартнома тузади. 2019 йил 7 декабрдан 2021 йил 1 июлгача бўлган даврда бошқа жамиятлардан харид қилинган 9.879.568.500 сўмлик товар-моддий бойликларни номаълум шахсларга нақд пулга сотиб юборган. Бу билан у савдо қоидаларини жуда катта миқдорда бузган. Бундан ташқари, И.Б. жамият балансида қонуний кирим қилинмаган ва келиб чиқишига оид ҳужжатлари бўлмаган 10.441.699.900 сўмлик турли товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб, қинғир ишга қўл урган. И.Б. мажбурий тўлашиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаган. Солиқ объектини қасддан яшириб, 1.481.935.300 сўмлик қўшилган қиймат солиғини тўламаган.

У жинойи ҳаракатларини давом эттириб, 2020 йил май-декабрь ойларида ички бозорда бошқа жамиятлардан харид қилинган катта миқдордаги озиқ-овқат, маиший, қурилиш ва бошқа маҳсулотларни номаълум шахсларга нақд пулга сотиб юборган. И.Б. мазкур «операция»ларни солиқ идораларига топширган бухгалтерия ҳисоботларида кўрсатмаган. Натижада 3.738.186.200 сўмлик қўшилган қиймат солиғи қасддан яширилган. Мазкур МЧЖ фаолияти ўрганилганда, қатор қинғир ишлар аниқланди. Аввал ҳам ноқонуний хатти-ҳаракати учун суд олдида жавоб берган мазкур шахс яна суднинг қора курсисига ўтирди. Шу йил январь ойида И.Б. га оид жиноят иши кўриб чиқилди. Суд унга жазо тури ва миқдорини тайинлашда одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилди. Суднинг ҳукмига кўра, И.Б. айбли деб топилди, 4 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шу ўринда бир гап. Айримлар турли фирма ва МЧЖлар ташкил этиб, ноқонуний фаолият билан шуғулланишади. Билмайдиларки, ҳужжатлар эртама-кечми қинғир иш ҳақида «сўзлайдилар». Аммо бу пайтда кеч бўлади. Афсус-надомат чекишдан фойда йўқ. Шундай экан, қонуний фаолият юритиб, ҳалол даромад топишга нима етсин!

**Икром ШЕРБОЕВ,**  
Бош прокуратура  
ҳузуридаги Иқтисодий  
жиноятларга қарши курашиш  
департаменти Тошкент шаҳар  
бошқармаси тафтишчиси.

## КЎРГАЗМАЛИ МАШҚ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида таҳсил олаётган тингловчиларга малакали ўқитувчилар томонидан кўргазмали амалий машғулотлар ташкил этилди.

Унда оммавий тартибсизликлар даврида қўлланиладиган махсус воситалар турлари, уларни ишлатиш қоидалари, ҳуқуқий асослари, хавфсизлик қоидалари ва ўқотар қуролларни ишлатиш, уларнинг қисм ва механизмлари тўғрисида кенг қамровли тушунчалар берилди.

Тадбир давомида махсус воситалар ва ўқо-

тар қуроллар номойиш қилиниб, тингловчиларнинг саволларига атрофлича жавоблар берилди.

**У.СОЛИЕВ,**  
ФВВ Академияси  
ҳузуридаги БТвМОМ цикл  
ўқитувчиси, подполковник.  
**М.АСАТОВ,** ўқитувчи, майор.



## ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ КУНИ

Самарқанд вилояти Жомбой тумани 9-МТТда “Фуқаро муҳофазаси” куни ўтказилди. Унда вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази ўқитувчиси Санжар Адиллов сўз олиб, тадбир аҳамиятига тўхталди.

Тадбир давомида зилзила содир бўлганда муҳофазаланиш усуллари, йўл қириқаси, озиқ-овқатдан захарланиш (ботулизм) дан сақланиш, чўмилиш қоидалари болажонлар томонидан ташкиллаштирилган кўргазмали амалий чиқишлар воситасида талқин этилди.

Машғулот иштирокчиларда катта таассуротлар қолдирди.

Тадбир якунида мутасаддилар томонидан болажонларга совғалар улашилди.

Самарқанд вилояти ФВВ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази.



## ЧЎКИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

“Норин” болалар оромгоҳида Миллий гвардия, Ички ишлар, Халқ таълими ва Тиббиёт бўлимлари билан ҳамкорликда сув ҳавзаларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ва чўкиш билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш тадбирларига бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбирда сув ҳавзаларида чўмилиш қоидаси, рухсат этилмаган жойларда чўмилишни тақиқлаш, сувда чуқаётган одамга биринчи ёрдам кўрсатиш буйича тушунчалар берилди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳлар иштирокида Норин дарёси ва Андижон каналларида рейд тадбирлари олиб борилди.

**Б.МАМАДАЛИЕВ,**  
Норин тумани ФВ  
бўлими бошлиғи  
ўринбосари, капитан.



## ПРОФИЛАКТИКА

Қарши шаҳридаги кўп сонли меҳнат жамоасига ега бўлган “Султон tex group” МЧЖ да махсус-тактик о‘қув машғулотини о‘тказилди.

Унда Қарши шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари ва техниклари иштирок этди.

Машғулот давомида ишчи-хизматчиларга юнг‘инни бартариф этиш ва бирламчи юнг‘ин

о‘чирish воситаларидан фойдаланиш ҳаракатлари кўрсатиб о‘тилди.

Шунингдек, “Иккиламчи қора метал” МЧЖ да Қарши шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан санкцияланмаган йонлаштирувчи нurlаниш манбасининг топилishi билан боғлиқ радиациявий аварияни чегаралаш ва бартариф этиш ҳаракатларига оид махсус-тактик о‘қув машғулотини о‘тказилди.

**Sherzod XOLLIYEV,**  
Қарши шаҳар ФВ бўлими  
бошлиғининг о‘ринбосари,  
майор.

Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва унинг таркибий тuzilmalari о‘rtasida sportning qo‘l jangi turi bo‘yicha viloyat birinchiligi musobaqasi o‘tkazildi.

## SPORT BILAN YASHA



Унда sportning boshqarma apparati, shahar, tuman Favqulodda vaziyatlar bo‘limlari va obyekt binolarida yong‘in xavfsizligini ta‘minlashni tashkil etish bo‘lim (bo‘linma)larining harbiy xizmatchi va xizmatchilaridan iborat 156 nafar shaxsiy tarkib ishtirok etdi.

Musobaqada vaznlar toifalari bo‘yicha g‘olib va sovrindorlar aniqlanib, boshqarmaning faxriy yorliqlari va esdalik sovg‘alari bilan taqdirlandilar.

**Sohib RAVSHANOV,**  
Қашқадарё вилояти ФВВ  
bo‘lim boshlig‘i.

## БУРЧ ВА САДОҚАТ

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январь куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни коррупцияга барҳам бериш учун барча асосларни яратиб берди.

Коррупцияга қарши курашиш – жуда мураккаб жараён. Чунки ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, нафси ва кўзи оч амалдорлар жамиятда учраб турибди. Бундайларда ҳар доим қачондир нафси ҳақалак отиб кетиш хавфи бўлади. Бу иллатни даф қилиш учун эса жамиятда қонун устуворлиги асосий масала бўлиши лозим.

Халқимизнинг том маънодаги адолат қарор топган жамиятда яшаши учун нафақат масъул шахслар, балки ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши шарт. Бу, ўз навбатида, фуқароларимизда ҳар қандай қонунбузар-

ликка нисбатан муросасизлик кайфияти, маданияти шаклланишига боғлиқ. Чунки ҳар қандай қонунбузарлик содир этилишига, кўпайишига кўп ҳолларда фуқароларимизнинг бефарқлиги, лоқайдлиги сабаб бўлмоқда. Агар барчамиз ўз бурчимиз ҳамда вазифамизни адо этиш йўлида садоқат билан хизмат қилсак, жамиятимизда бу каби иллатларнинг барҳам топишига улкан ҳисса қўшган бўламиз, албатта.

**Ақром ПЎЛАТОВ,**  
Шаҳрисабз тумани ФВ бўлими  
бошлиғи, капитан.

Қашқадарё вилояти ФВВ Деҳқонобод тумани ФВ бўлими ташаббуси билан туман Эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

## ДОЛЗАРЪ МАВЗУДА

Тадбирда овқатдан оммавий захарланиш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, ботулизм, куйдирги ва кутуриш касалликларидан сақланиш юзасидан профилактик тадбирларни кучайтириш масалалари муҳокама қилиниб, бу борада туман ФВВ, Тиббиёт бирлашмаси, Санитария-эпидемиология жамоат саломатлиги маркази, Юқумли касалликлар шифохонаси, Ободонлаштириш бошқармаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш хизматлари бошлиқларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилиш якунида ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олиниб, мутасаддиларга зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.



**Р.ТУРДИЕВ,**  
Қашқадарё вилояти ФВВ  
бўлими бошлиғи, капитан.

**Ў.ЙЎЛДОШЕВ,**  
Деҳқонобод тумани ФВДТ ва ФМ  
ФТЭ, хавфсизлик тарғиботи  
бўлими бошлиғи,  
капитан.



**Маълумки, ҳозирда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган кутқарувчиларнинг малакаси ва салоҳияти, уларнинг ўзига бўлган талабчанлиги ва шахсий масъулиятини оширишга қаратилган амалий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. “Аълочи ходим” кўрик-танлови ҳам шулардан биридир.**

Белгиланган тартибга кўра, кўрик-танловнинг дастлабки

## АЪЛОЧИ ХОДИМЛАР АНИҚЛАНДИ

босқичи “ЛУОК” МЧЖ ОЁХТТЭМ Бухоро вилоятидаги ОЁХТТЭ бўлимида, қисм бошлиқлари ҳамда ёнғин-қутқарувчилари ўртасида ўтказилди. Унда 1-ўринни қўлга киритган ходимлар бу гал танловнинг биринчи босқичи ғолиблиги учун ёнғин ўчириш амалий спортининг 4 тури ва назарий билимлар бўйича ўзаро куч синашдилар.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи натижаларига кўра, ёнғин-қутқарув қисм бошлиқлари ўр-



тасида ўтказилган баҳсда Бухоро вилоятидаги ОЁХТТЭ бўлими 1-ёнғин-қутқарув қисми бошлиғи Саиджон Шораҳимов, кутқарувчилар ўртасида эса 1-ёнғин хавфсизлиги қисм кутқарувчиси Муртазо Тураев ғолибликни қўлга киритдилар.

Ғолиб ва совриндорлар Бухоро вилоятидаги ОЁХТТЭ бўлими томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Қ.ҚУДРАТОВ,  
“ЛУОК” МЧЖ ОЁХТТЭМ  
Бухоро вилоятидаги ОЁХТТЭБ  
бошлиғи ўринбосари,  
подполковник.**

## ШОХОБЧАДА МАШҒУЛОТ

Оққўрғон тумани “С.Раҳимов” МФЙ ҳудудида жойлашган “OLIMKENT AVTOREYS” МЧЖда амалий-тактик ўқув машғулоти ўтказилди. Унда туман ФВДТ хизматларининг барча техникалари, шахсий таркиби, МЧЖ ишчи-ходимлари ҳамда фуқаролар иштирок этди.



Машғулот давомида туман Фавқуллода вазиятлар бўлими бошлиғининг ўринбосари майор Э.Турдалиев томонидан махсус хизматлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тақсимланиб, машғулот мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Тадбирда ўқув машқи режасига кўра, 2 та ёнғин автомобилда шартли ёнғин содир бўлиб, жароҳат олган бир нафар ходимга тез тиббий ёр-

дам кўрсатилди.

Машғулотдан сўнг ФВДТ хизматлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама қилиниб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

**А.ҚУШАҚОВ,  
Оққўрғон тумани ФВ  
бўлими МТБ бошлиғи,  
капитан.**

## МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Гулистон ҳарбий прокуратураси, Сирдарё вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ва қатор ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида Мирзаобод туманидаги ҳарбий қисмларнинг бирида навбатдаги сайёр қабул ўтказилди.



Қабул давом ида 120 нафардан ортиқ иштирокчидан жами 24 та оғзаки мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 20 тасига қонуний тушунтиришлар берилган бўлса, ўрганиш учун қўшимча вақт талаб этадиган 4 та мурожаат назоратга олинган ҳолда тегишли мутасадди идораларга йўналтирилди. Бундан ташқари, 26 та турли хилдаги мурожаатларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбир якунида ҳарбий хизматчилар учун китоблар ярмаркаси ўтказилди.

**Ашурали АРИПЖАНОВ,  
Сирдарё вилояти ФВБ бўлим бош инспектори, майор.  
Равшан ЖАЛИЛОВ,  
Гулистон ҳарбий прокурори, адлия подполковниги.**

Ўзбекистон Республикаси ФВВ “Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонасида Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказига бевосита бўйсунувчи Зарафшон, Учқудуқ ва Навоий шаҳридаги ёнғин хавфсизлиги бўлимлари терма жамоалари ўртасида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича марказ биринчилиги ўтказилди. Унда 30 нафарга яқин спортчи ходим иштирок этди.

## КУЧЛИЛАР ҲАМИША ҒОЛИБ

Мазкур мусобақа Учқудуқ туманида жойлашган марказ тасарруфидидаги 6-ёнғин-қутқарув қисмининг спорт майдончасида бўлиб ўтди. Спортчилар мусобақа шартларига кўра, ёнғин ўчирувчилар эстафетаси, ишғол қилиш нарвонидан ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва жанговар ёйилиш турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Баҳслар муросасиз ва қизиқарли кечиб, унда спортчилар бор билим ва имкониятларини намойён этдилар.

Яқиний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Учқудуқ,

2-ўринни Зарафшон, 3-ўринни эса Навоий шаҳар терма жамоалари вакиллари эгалладилар.

Мусобақанинг энг қизиқ тури бўлган ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш турида шахсий натижага кўра, 15,03 вақт кўрсаткичи билан Учқудуқ ёнғин хавфсизлиги бўлими терма жамоаси вакили оддий аскар Азиз Мейлиевга тенг келадиган спортчи топилмади.

Ғолиблар Тошкент вилоятида жорий йилнинг август ойида ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этдилар.

Тадбир якунида ғолиб ва сов-

риндор жамоалар “Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонасида Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Дилшод БАХРАНОВ,  
Марказ бўлим инспектори  
подполковник.  
Маъруфжон ХАЙИТОВ,  
НКМК ДК Ёнғин хавфсизлигини  
таъминлашни ташкил этиш  
маркази гуруҳ бошлиғи,  
катта сержант.**



## ДОВОНДА МУСОБАҚА

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда қутқарувчилик касбига нисбатан қизиқиш уйғотиш ҳамда фавқуллода вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида жойларда “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.



Ана шундай тадбирлардан бири “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли “Темирйўлчи” оромгоҳида ўтказилди. Унда 11 та гуруҳ дам олувчиларидан иборат жами 4 та жамоа аъзолари газ ниқобини кийиш, эстафета, биринчи тез-тиббий ёрдам кўрсатиш, арқонни боғлаш, қутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Мусобақа натижаларига кўра, 3-ўринни 8-гуруҳнинг “Ўғлонлар”, 2-ўринни 11-гуруҳнинг “Дружба”, 1-ўринни 10-гуруҳнинг “Темирйўлчи” жамоалари қўлга киритдилар.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар “Қамчиқ” МҚЁҚБ томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Ш.АБДУСАТТОРОВА,  
“Қамчиқ” МҚЁҚБ  
ходими.**

# МЕҲРИ БУЛОҚЛАР ОШЁНИ

*Инкоровлар хонадонни етти нафар ўғил-қизни фарзанд қилиб олди*

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу эзгу ташаббус Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ондан бошлаб, хонадоннинг тўнғич ўғлини Ихлосбек онаси – Гулбахор ая билан бу ҳақда ўзаро фикрлашиб қолди. Сўнг хонадон каттаси Фахриддин ака, келин Заринахон (Ихлосбекнинг рафиқаси) билан маслаҳатлашдилар. Эзгу ишга куш қанот ёзади деганларидек, Фахриддин ака бу таклифни маъқуллади. Фарзандлар эса ота-онанинг гузал тарбиясини олганлиги, қолаверса, эзгу ва хайрли ишга мақсад қилинганлиги учун ҳам ушбу фикрни бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Шу тариқа катта ҳовли, катта хонадон бўлиб, фарзанду набиралар жамулжам ҳолда яшаётган ҳовли-хонадонга яна етти нафар бир-биридан ширин, беғубор, турли миллатга мансуб ўғил-қизлар кириб келдилар. Уларни хонадон аҳли кучоқ очиб кутиб олди. Ўз фарзандлари каби қабул қилди.

Болажонларнинг бувиси, ҳазрати аёл Гулбахор ая бу ҳақда шундай дейдилар:

– Эзгу ишнинг ҳеч қачон кечи йўқ. Уч нафар ўғлим, уларнинг ширин-шакар фарзандлари бор. Юртбошимизнинг қарорлари чиққандан сўнг ўйланиб қолдим. Ўзимга келсак, 2-гуруҳ ногирониман. Ёшимиз ҳам анчага бориб қолди. Инсондан бу дунёда яхши ишлар қолади. Шунинг учун бу масалада уйдагилар билан маслаҳатлашдик. Улар рози бўлишди. Шундай қилиб, оиламизга 2 нафар қиз, 5 нафар ўғил олиб, уларни ҳозир ўз боламиз қаторида суйиб, тарбиялаб келмоқдамиз. Катта ўғлим Ихлосбек келиним Заринахон билан Фирдавсбек, Дийрбек

исмли ўғилларни тарбиялаб келишмоқда. Ўртанча ўғлим Хислатбек келиним Волидахон билан Ягона, Ифора исмли набираларимнинг ота-онаси. Кенжа ўғлим Хушнуд ва келиним Гулнозада икки ўғил: Хумоюн ва Бобуржонлар ҳаётимизнинг қувончи. Энди уларнинг ёнига бир-биридан ширин фарзандлар – Назарбек, Арсен, Амир, Жасмина, Дилдора, Нурмуҳаммад, Нурсултон исмли ўғил-қизлар қўшилдилар. Хонадонимиз янада файзга тўлиб, катта бир жўшқин даргоҳга айланди. Ўғилларим ҳам катта ота ҳовлига кўшни бўлиб яшашади. Уларнинг барчасига кўшни ҳовлиларни сотиб олиб, уй қурганмиз. Шунинг учун ота ҳовли барча учун қадрдон, ҳаммамиз шу ҳовлида жам бўламиз, кейин барча уй-уйига тарқалади. Худоба шукур, Яратган хонадонимизга файзу барака сочиб қўйган. Дастурхон атрофида фарзанду набиралар – барчамиз бўлиб, жами 24 нафар оила аъзоси овқатланамиз.

Қабул қилиб олган болажонларимизни атайин ота ҳовлига жойлаштирдик. Иншоллох уларни ҳам шу катта ҳовлида, хонадонда тарбиялаб, вояга етказиб, “учирма” қиламиз. Болажонлар илк келган кунлариданоқ, хонадонимизга қувонч билан жойлашдилар. Болалар фаришталар каби беғубор. Уларда асло гуноҳ йўқ. Улар меҳрга муҳтож. Ҳақиқатан ҳам, хонадонда, оилада катта бўлган болаларда ўзбекона одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, яқинларига нисбатан меҳр-муҳаббат, нозик истеъдод қирралари шаклланади. Биз уларга катта-кичиклар билан мулоқот қилиш, уйни тоза тутиш, тозаллик ва саломатлик қоидаларига риоя қилиш, яқинларга нисбатан бағрикенг ва меҳрибон бўлиш, китоб ўқиш, маънавиятли бўлишни ота-она мақомида туриб, меҳрибонлик билан тушунтирамиз. Улар бу муносабатимиздан бир-



дек қувониб, айтганларимизни ўрнида бажаришга интиладилар.

Бир жиҳатни эсласам, кўзларимга ёш келади. Қабул қилиб олган болажонларимиз ичида Нурмуҳаммад ва Нурсултоннинг тақдири аянчли кечган. Уларнинг ота-онаси содир бўлган ёнғинда жароҳат олиб, бу дунёни тарк этган. Болажонларнинг кампир бувиси бўлиб, гўдакларни ноиложликдан Меҳрибонлик уйига олиб келиб, ташлаб кетган ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у ҳам вафот этган. Шунинг учун Нурмуҳаммад менга: “Онажон, бизни ўзингиз болалар уйига ташлаб кетиб, яна қайтиб олиб келдингиз-а?”-дерди кўзлари меҳрдан порлаб. Бу гапидан она юрагим қанчалар ларзага тушганлигини тасаввур қилсангиз эди. Мен ҳам бола кўнглини чил-чил қилишни истамайман. Кўзларимдан ёш қуйилганча: “Ҳа, болажоним, ўшанда мен касал бўлиб қолгандим, шунинг учун сизларга қарай олмадим. Тузалганимдан сўнг яна бориб, сизларни олиб келдим”,-дейман. У эса мenden миннатдор бўлиб, қўлчалари билан юзларимни силаб кўяди. Яна бир ҳолат: қачонки кўлимга гугурт олсам ёки газнинг ёнига бориб, уни ёқсам, Нурмуҳаммад менга: “Онажон, ундай қилманг, сочингиз ёниб кетади”,-деярар эди. Ўзи ҳам оловни

кўрса кўрқиб, четга ўтиб оларди. Кейин бу ҳолатнинг сабабини билишга қизиқдим. Суриштирсам, шу каби воқеалар юзага келган экан... Кейин мен болажоним Нурмуҳаммадга оловдан кўркмаслик, ундан доимо тўғри фойдаланиш лозимлигини тушунтириб, ундаги руҳий зуриқишни юмшатишга интилдим... Унинг укаси Нурсултон ҳозир тўрт ёшда, жуда ширин, тили бийрон бўлган. Шундай саволлар бериб, ажойиб гапларни гапирдики, ҳайрон қоласиз. Уч тилда доналаб санайди. Шеърлар айтади. Менинг овуноғимга айланган. Бағримда ўтириб, мен билан тиллашади. Тунов кунни ўртанча ўғлим Хислатбек кириб келиб, ҳазиллашганча “Онажон, ўғилларингизга ҳам меҳр беринг. Ҳаммасини набираларингизга улашавермасдан”,-деди. Шу вақт тили ширин Нурсултон нима дейди денг: “Онажонимда меҳр сотилипти. Сиз ҳам олинг!”-деса бўладими?! Ҳайронликдан кула-кула қотиб қолдик.

Мана шу ширин болалар билан бўлиб, умрнинг ўтаётганини ҳам сезмай қоламиз. Барака топсин, Ихлосбек ўғлимнинг рафиқаси – келиним Заринахон ҳам болажонларни ўз онаси бўлиб қабул қилиб олди. Болаларга бўлган меҳримиз сабабми, хусусий боғча очганмиз. Ҳозир ушбу масканда 265 нафар бола тарбияланади. Заринахон ўқитувчи, боғчада ҳам ишлайди, ҳам олий ўқув юртида ўқийди.

Барчамиз болаларни яхши кўрамиз. Ўзим ижодни, адабиётни яхши кўраман. Шеърлар ёзаман. Фурсатдан фойдаланиб, куйидаги тўрт қатор шеъримни айтиб бермоқчиман:

*Орта йул йўқ бўлган сингари,  
Умримиз ҳам ўтиб бормоқда.  
Дилбанд бўлиб митти лолалар,  
Биздан мерос бўлиб қолмоқда...*

Биз ана шу ўзимиздан кейин қоладиган митти лолаларни муносиб тарбиялаб, уларни вояга етказиб, дунё чаманида бир гул каби очилиб, ифор сочиб яшашини таъминламоғимиз лозим. Зеро, инсон деган

табаррук зотнинг яшамоқлигидан ҳам маъни шудир...

Юқоридаги сўзлар, ҳақиқатан ҳам, ҳазрати аёл бўлган Гулбахор аянинг дил сўзлари ва ҳарорат тўла таассуротларидир. Биз бу изҳорларга янги ифодаларни қўшишга оғирлик қилдик, тўғриси...

Келинлари Заринахоннинг ҳам сўзларини тингламоқчи бўлдик. Аммо ундаги ҳаяжон, онасидек азиз ва мўтабар қайнонаси – Гулбахор аядан миннатдорлик сўзлари унинг сўзлашига монелик қилди. Сўзлари қалтираганча бир жумлани айта олди холос: “Дунёда аяжонимдек меҳрибон, бағрикенг ва азиз инсон йўқ!”. Кўзларидан оқётган ёшларнинг ўзиёқ унинг яқинлари, бир-биридан ширин фарзандларига нисбатан меҳри қанчалик товланиб турганлигини яққол ҳис қилдик ва саволга тутмадик...

Биз китобларда, киноларда таърифни эшитган “Шомаҳмуровлар”, “Маҳаммовлар” ёки “Самадовлар” оилаларининг ёнига бугунги куннинг чинакам маънодаги бағрикенг, фарзандпарвар, эзгулик ошёни, меҳр булоқлари жўшиб қайнаб турган яна бир хонадонни – Инкоровлар оиласини ҳам қўшишимиз мумкин.

Кези келганда айтиш керак, айрим инсонлар ўз боласини севиб, ардоқлашга куч топа олмаётган бир вақтда, ўзганинг боласини маним деб суйган, унга ота-она меҳрини бера олган, бунинг учун ўзида куч-қудрат, матонат ва ғимнат топа олган инсонларни Ҳазрати инсон, деб атамай бўладими?!

Бизнингча, улар ва уларнинг матонати, ибрати юксак эътироф ва эътиборга муносибдир. Илоҳим юртимизда мана шундай инсонлар, оилалар кўпаяверсинлар, фарзандлар ҳеч қачон меҳр-мурувватга ташна қолмасинлар, аксинча меҳр булоқларидан қониб-қониб, симириб, улғайиб, камол топсинлар...

**Баҳодир ВАЛИЕВ,  
“Вазият” муҳбири.**



“Андижон биокимё заводи” АЖ БЁХТТЭБнинг ёнгин назорати ва профилактикаси инспекторлари ҳамда жамият раҳбар ходимларидан иборат тузилган ёнгин техник комиссия аъзолари билан биргаликда 16 та цех, бўлим ва портлаш, ёниш хавфи юқори бўлган хоналарнинг ёнгинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бўйича жамият раисига тасдиқлаш учун 96 банддан иборат ёзма кўрсатмалар тақдим қилинди.

## КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ



Текширув якуни бўйича ёнгин техник комиссия аъзолари иштирокида муҳокама йиғилиши ўтказилиб, камчиликларга йўл қўйган цех ва бўлим бошлиқларига нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Бундан ташқари, йиғилишда ёнгин хавфсизлиги соҳасида ўз ечимини топмаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари муҳокама этилди. Ушбу профилактик тадбирлар билан бир қаторда инспекторлар томонидан масъул шахсларга 58 та банддан иборат ёзма тақлифлар тақдим этилди, аниқланган камчиликларга йўл қўйган ишчи-ходимларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилди.

**Қ.УЗОҚОВ,**  
“Андижон биокимё заводи” АЖ БЁХТТЭБ катта инспектори, капитан.

## Кўп қаватли уйларда ўрганиш

Қарши тумани ФВ бўлими ходимлари ҳафтанинг ҳар чоршанба кuni “Фавқулодда вазиятлар профилактикаси кuni”да тумандаги кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларга газ ва электр иситиш воситаларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича тушунчалар бериб бормоқдалар.

Тушунтиришлар давомида уйда болаларнинг олов билан ўйнашларига йўл қўймаслик, уларни назоратсиз қолдирмаслик, ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, носоз газ ва электр асбоб-анжомлардан фойдаланмаслик борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштириб келмоқдалар.

**Садриддин НАРЗУЛЛАЕВ,**  
Қарши тумани ФВ бўлими ходими.



## Аёл ҳаёти сақлаб қолинди...

Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнгин-қутқарув отряди қутқарувчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари сабабли Наманган шаҳар Давлатобод тумани “Ўрта Ровустон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан оқиб ўтувчи шимолий Фарғона каналида оқиб кетаётган аёл сувдан соғ-саломат олиб чиқилди ва унга биринчи ёрдам кўрсатилиб, туман тез тиббий ёрдам бўлими ходимларига топширилди.

Ўз ўрнида, юртдошларимиздан дарё ва каналлар атрофида ҳаракатланганда огоҳлик ва ҳушёрлик қоидаларига амал қилиш лозимлигини эслатиб ўтамыз.

**Жавоҳир АБДУРАҲИМОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ ёнгин-қутқарув отряди командири, катта лейтенант.

## Болажон қутқарилди

Наманган вилояти Янгикўгон тумани фавқулодда вазиятлар бўлимининг “101” рақамига Янгикўгон туманининг “Водий” МФЙ ҳудудидagi кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи фуқаронинг бир ярим ёш фарзанди онасининг эҳтиётсизлиги сабабли уй ичида қулфланиб қолганлиги тўғрисида хабар келиб тушди.

Зудлик билан воқеа жойига Янгикўгон тумани ФВ бўлимининг ёнгин-қутқарувчилари етиб бориб, кўп қаватли уйнинг 2-қаватидаги хонадонда қулфланиб қолган бир ярим яшар болани соғ-саломат олиб чиқдилар ва онасига топширдилар.

Ўз ўрнида, ота-оналардан вояга етмаган фарзандларини назоратсиз қолдирмаслик, ҳаммиша огоҳ ва ҳушёр бўлиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни сўраб қоламиз.

**Қаҳрамон САТТОРОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ ОАВваЖТБХҚГ бошлиғи, капитан.

## ФАРОВОН ТУРМУШ ГАРОВИ

Газ жиҳозларидан унумли ва ўринли фойдаланайлик!

Сўнгги йилларда хонадонларга ўрнатилган газ жиҳозларининг нотўғри ишлатилиши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сони ошиши кузатилмоқда. Тошкент шаҳар аҳолиси табиий газ билан тўлиқ таъминланган бўлиб, табиий газ истеъмолчилари 650 мингдан ортиқни ташкил қилади.

“Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти бўлими бошлиғи Умид ҲАЙДАРОВ билан уйларга ўрнатилган газ жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ҳақида суҳбатлашдик.



– Умид Миркомилевич, газ жиҳозларидан фойдаланиш натижасида содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

– Бунинг кўп сабаблари бор. Таъкидлаш керакки, уларнинг барчаси кундалик ҳаётда газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик билан боғлиқ. Бунга газ қувурларига рухсатсиз уланиш, газ ускуналарини ноқонуний ўрнатиш ёки демонтаж қилиш, сифатсиз таъмирлаш, эскирган газ ускуналарини ишлатиш, биноларни рухсатсиз қайта қуриб, ҳаво йўлакларини беркитиб ташлаш каби ҳолатлар киряди. Шуни эсда тутиш керакки, газ жиҳозларига тегишлича эътибор қаратилмаса, бу хавф манбаи бўлиб қолиши мумкин. Уй ичидаги газ жиҳозларига вақтида техник хизмат кўрсатиш ва газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш билан бу хавфнинг олдини олиш мумкин.

– Хонадонларга ўрнатилган газ жиҳозлари созлигига ким жавобгар?

– Хонадонларга ўрнатилган газ жиҳозларининг созлигига хонадон эгаси жавобгар. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тартибга солинади. Аниқроқ қилиб айтганда, кўп қаватли ва яқка тартибдаги уйларга киришдаги газ қувури устунигача газ ҳужалиги масъулиятидаги майдонлар ҳисобланади. Уй ичидаги газ жиҳозлари истеъмолчилар мулки ҳисобланади.

– Уй ичи газ жиҳозларига хизмат кўрсатиш тартиби ҳақида тушунча бериб ўтгансиз.

– Ҳар қандай газ билан ишловчи хонадонларга ўрнатилган жиҳозлар ёнгин, портлаш хавфи бор маиший техникалардир. Бу газ жиҳозларининг хавфсиз ишлаши учун уларни мунтазам назорат қилиш ва техник хизмат кўрсатиб бориш зарур. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, истеъмолчи ишлайдиган газ жиҳозларининг техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш шарт. Автомобилларга бир йилда бир марта техник кўрик жоиз бўлса, хонадондаги газ жиҳозларига ҳам бир йилда бир марта техник хизмат кўрсатиш мунтазам ва ҳар йили амалга оширилиши керак. Мажбурий техник хизмат кўрсатилмаган ҳолда автомобиль йўлда бузилиб қолса, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолади. Газ ускуналарида ҳам шундай: ҳатто

кичик газ сизиб чиқиши ҳам катта фожиага олиб келиши мумкин.

– Газ жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш даврийлиги қандай?

– Газ жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш йилига камида бир марта амалга оширилиши керак. Агар газ ускунаси янги бўлса, кафолат муддатидан қатъи назар, унга техник хизмат кўрсатиш ҳам йилига камида бир марта амалга оширилади. Газ ускуналарига техник хизмат кўрсатиш фақат ихтисослаштирилган ва махсус рухсатномаси бор ташкилот томонидан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Техник хизмат кўрсатиш баробарида энг катта эътибор газ жиҳозларининг давлат стандартларига мос келиши, истеъмолчи томонидан ушбу жиҳозлардан хавфсиз фойдаланиш, уларнинг бутлиги ва газ сизиб чиқиш ҳолатлари бор-йўқлигини аниқлашга қаратилади.

– Баъзи фуқароларнинг “шаҳаргаз” бўлими ходимларини уйларига киритмаслик, газ жиҳозларига хизмат кўрсатишга қаршилик қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради, шундай эмасми?

– Бундай ҳолатлар кўпайиб бормоқда. Шу ўринда ҳамшаҳарларимизга қуйидагиларни эслатиб ўтмоқчиман. Хонадонингизга ўрнатилган газ жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш, бу – сизнинг ва яқинларингизнинг мол-мулкнингиздан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий ҳолатлардан сақлаш гаровидир. Филиал ходимлари томонидан юқорида келтирилган ишларни амалга ошириш пуллик, тўловларни истаган усулда амалга оширса бўлади. Лекин шу тўловни амалга оширмаслик мақсадида турли баҳона ва вазлар билан уйларига киритмаслик каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида хонадон эгалари огоҳлантирилади. Шундан кейин ҳам чилангарлар киритилмаса, газ жиҳозларини тармоқдан ўчиришга мажбур бўламиз. Шунингдек, шаҳримиз аҳолисига газ жиҳозларидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари бўлса ёки газ ҳидини сезишса, зудлик билан қувурдаги зулфиндан газни беркитиб, эшик ва деразаларни очиб, ташқарига чиққан ҳолда “104”, 71-255-44-27, 71-255-44-29 рақамларига кўнғироқ қилишларини сўраб қоламиз.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

**“Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали матбуот хизмати.**

## МАҲАЛЛАЛАРДА УЧРАШУВЛАР

Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ҳудудида жойлашган “Бирлик”, “Янги арғин”, “Нурафшон”, “Дурмон”, “Юқори юз” маҳаллаларида фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида, бир қатор корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла фаоллари, фуқаролар иштирокида бир қатор амалий тадбирлар ташкиллаштириб келинмоқда.

Хусусан, Ёнғин назорати хизмати ходимлари томонидан 68 та муассаса ва ташкилот ҳамда 3226 та хонадоннинг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб, аниқланган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш юзасидан тавсия ҳамда кўрсатмалар берилмоқда.

Инспекторлар томонидан маҳаллалар, маданий муассасалар, истироҳат боғлари, соғлиқни сақлаш муассасаларида учрашувлар ташкиллаштирилиб, ишчи-хизматчилар билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўлаётган ёнғинлар оқибатида кўрилатган моддий зарар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ҳозирда ушбу тадбирлар жойларда давом эттирилмоқда.

**Ахрор АБДУРАЗАҚОВ,**  
Тошкент вилояти ФВБ Қибрай тумани  
ФВ бўлими ОЎХТТЭБ ПванБ бошлиғи, подполковник.

## МАРОҚЛИ ОНЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Бухоро вилоятида ҳам ҳозирги кунда болалар оромгоҳларида соҳа ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мавсум давомида ёнғинлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида, вилоят ишчи гуруҳ ходимлари ва ҳамкорликдаги хизматлар билан биргаликда оромгоҳларнинг ёнғинга қарши воситалар билан тўлиқ таъминлашни ҳолати ўрганилиб, дам олиш

масканларида ёнғинга қарши тарғибот бурчаклари ташкил қилинди.

Ҳозирда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

**А.САЛИМОВ,**  
Бухоро вилояти ФВБ  
РМКУ инспектори,  
катта лейтенант.

## БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

“Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасининг навбатчи-диспетчерига келиб тушган маълумотга кўра, “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг 227,8 км.нинг “Водий – Тошкент” йўналишида 9 тонна юк билан ҳаракатланган “ISUZU” русумли юк автомашинаси ҳайдовчиси бошқарувни йўқотишти оқибатида йўл четидаги заҳира йўлагига чиқиб, ағдарилиб кетган.

Натижада йўловчи ўрта тан жароҳати олган, ҳайдовчи эса тан жароҳати натижасида воқеа жойида вафот этган.

Воқеа жойига зудлик билан “Қамчиқ” МҚЁҚБ, ЙПХ ва ТТЁ ходимлари чиқиб, жабрланган ва вафот этган фуқароларни автотранспорт ичидан чиқариб олган.

Йўл-тарнспорт ҳодисасига учраган автотранспорт воситасини хавфсиз ҳудудга олиб чиқиш ва ЙПХ ходимларига топширишда қутқарувчилар томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

**Ш.АБДУСАТТОВА,** “Қамчиқ” МҚЁҚБ ходими.

## СТАНЦИЯДА ЎҚУВ МАШҚИ

Ховос тумани ҳудудидаги 1-Жиззах бош насос станциясида “Объектда табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва туман ФВДТнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Машғулот давомида объектда шартли равишда содир бўлган зилзила талофатларини бартараф этиш, жабрланганларни эвакуация қилиш ва оқибатларини зарарсизлантиришда ФВДТ хизматларининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари кўриб чиқилди.

**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,**  
Сирдарё вилояти ФВБ  
Ахборот хизмати бошлиғи,  
катта лейтенант.  
**Улуғбек ҚОДИРОВ,**  
Ховос тумани ФВ бўлими  
бошлиғи ўринбосари, капитан.

Катта сув ҳавзаларида чо‘милш доим ҳам кутилганидек yakunlanmaydi. Birgina xato bilan odam suvga g‘arq bo‘lishi hech gap emas. Shunday baxtsiz hodisalarning oldini olish uchun fuqarolarimiz bir qancha qoidalarga amal qilishlari lozim.

## SUVDAGI XAVFSIZLIK

Taqiqlangan joylarda cho‘milish, kater va qayiq'larga yaqin suzib borish, yosh bolalarni suvda qarovsiz qoldirish, chegaralangan belgilardan tashqariga chiqish, ko‘prik, damba va kemalardan suvga sakrash, notanish joylarga sho‘ng‘ish kerak emas. Qayiq'larda sayr qilayotganda bir qator jihatlarga e'tibor qaratish kerak. Egasiz va texnik nosoz qayiq'lardan foydalanish, sayrga shamol va yomg'irli ob-havoda yoki qutqaruv va suv chiqarish moslamalarisiz chiqish, qayiqqa ruxsat etilgandan ortiqcha odam va yuk olish, suzish vaqtida bir qayiqdan ikkinchi qayiqqa o'tish, qorong'i tushganda suzish moslamalaridan foydalanish noxush holatlarga sabab bo'lishi mumkinligini unutmaslik zarur.

Suvda cho‘kayotgan odamni qutqarish uchun qutqaruv anjomlari va qayiq'lardan foydalaniladi. Ular bo‘lmaganda esa cho‘kayotgan odamni qutqarishda xavfsizlik choralarini bilish talab etiladi. Agar cho‘kayotgan odam hushini yo‘qotgan bo‘lsa uni suvdan olib chiqish ancha qulay bo‘ladi. Lekin hushini yo‘qotmagan odamni qutqarish qutqaruvchiga ham katta xavf tug‘diradi. Chunki cho‘kayotgan odam sarosima va vahimaga tushgan holda qutqaruvchiga qattiq yopishishi, uni ham suv ostiga tortib ketishi mumkin. Shuning uchun cho‘kayotgan odamning changalidan chiqish va buksirovka qilish usullarini ham o‘rganish lozim. O‘lim holati faqatgina suvda emas balki, jabrlanuvchi suvda olib chiqilgandan so‘ng ham kuzatilishi mumkin. Jonlantirish tadbirlarining ijobiy natijasi ularning to‘g‘ri va o‘z vaqtida ko‘rsatilishiga bog‘liq. Shuning uchun ushbu tadbirlarni qirg‘oqqa olib chiqilgandan keyin emas, jabrlanuvchini suvda buksirovka qilgan paytdanoq boshlash lozim. Chunki ushbu paytda amalga oshirilgan bir necha sun‘iy nafas oldirish ham jabrlanuvchi sog‘lig‘i tiklanishini tezlashtiradi.

Birinchi tibbiy yordam ko‘rsatilgandan keyin (jabrlanuvchi o‘zi nafas olib hushiga kelgandan keyin) darhol xo‘l kiyimlarni yechib, tanani isitish lozim. Buning uchun issiq qum, grelka, issiq suv quyilgan butilka va shunga o‘xshagan narsalardan foydalaniladi. Birinchi navbatda ko‘krak, bo‘yin, oyoqlar, jigar va bel qismlari isitiladi.

Doimo esda tuting! Jabrlanuvchining nafas olishi to‘xtagandan keyin 5-6 daqiqa muddatdagina uni hayotga qaytarish mumkin!

**Jasurbek XOLMATOV,** Quva tumani FV bo‘limi boshlig‘i, mayor.

## БАРЧАСИ БОЛАЖОНЛАР УЧУН

Навоий кон-металлургия комбинати таркибидаги «Зарафшон» ёзги болалар дам олиш оромгоҳида бугунги кунда 600 дан ортқк ўғил-қиз дам олишмоқда.

Албатта, бошқа соҳа вакиллари қатори Навоий кон-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази тасарруфидаги 2-ёнғин-қутқарув қисми ва ёнғин назорати ва профилактикаси инспекторлари томонидан мазкур оромгоҳда болажонлар ва дам олиш маскани масъул ходимлари билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доир учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилиб келинмоқда.

Оромгоҳда туну кун навбатчилик йўлга қўйилган. Ёнғин ўчириш автомобили ва ундаги ёнғин ўчириш курол-аслаҳаларининг кўргазмалари намойишлари ташкил қилиниб, улар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, оромгоҳда «Биз қоидаларни ўрганамиз» мавзусида қизиқарли викториналар, сувда чўмилиш қоидалари, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда бинони тарқ этиш ва хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш тадбирлари бўйича амалий ва назарий машғулотлар ўтказилмоқда.

Ҳозирда бу борадаги тадбирлар қизғин давом эттирилмоқда.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
НКМК ЁХТТЭМ ғуруҳ бошлиғи, катта сержант.  
**Сардор КАМОЛОВ,**  
Шимолий кон бошқармаси (Учкудук) объектларида  
ЁХТТЭБ инспектори, катта лейтенант.

## СОМОННИ ЁҚМАНГ

Айни кунларда Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманида ҳам асосий эътибор бошоқли донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган. Қай бир ғалла майдонига борманг, заҳматли меҳнат эвазига пишиб етилган бошоқли дон ўрилиб, бўшаган ер майдонлари такрорий экин экиш учун тайёрланмоқда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Айрим фермер хўжаликлари раҳбарлари ва фуқаролар томонидан бошоқли дон йиғиштириб олингандан сўнг сомон қолдиқларини ёқиб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу аҳоли саломатлиги ҳамда атмосфера-инг ифлосланишига сабаб

## YONG‘IN QANDAY HODISA?

Yong‘inlar bir qator parametrlar bilan tavsiflanadi: yong‘in davomiyliyi – bu paydo bo‘lgan paytdan boshlab yonishning to‘liq to‘xtashigacha bo‘lgan vaqt.

Yong‘inlarning dastlabki zararli omillari: yong‘inning yonayotgan narsaga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta‘siri (yonish); radiatsiya tufayli yuqori haroratli narsalarga va narsalarga masofadan ta‘sir qilish. Natijada obyektlar va narsalarning yonishi, ularning charring, o‘lchamlari, ishlamay qolishi. Yuqori harorat ta‘sirida metall trusslar, to‘sinlar, shiftlar va inshootlarning boshqa konstruktiv detallari kuyish, deformatsiya va qulashga olib keladi.

Yong‘in chiqishi uchun uchta komponent talab qilinadi: yonuvchan moddalar, kislorod va dastlabki issiqlik manbai (yong‘in sababi). Yong‘in chiqishiga mulkni yong‘in (o‘t qo‘yish) bilan yo‘q qilish (buzish) bo‘yicha qasddan qilingan harakatlarni, ishlab chiqarish uskunalarining noto‘g‘ri ishlashi, ishlab chiqarish jarayonining buzilishi, ishlab chiqarish uskunalarini loyihalash, ishlab chiqarish va o‘rnatishning yetishmasligi, ishlab chiqarish jarayoni texnologik qoidalarni buzish, statik elektr energiyasini zaryadsizlantirish, pechkalarni ishlatishda yong‘in xavfsizligi, issiqlik energiyasini ishlab chiqaruvchi agregatlar va moslamalarni loyihalash va ishlatish, maishiy gaz, kerosin, benzin va boshqa moslamalardan foydalanish qoidalarni buzish, olovga ehtiyotsizlik bilan munosabatda bo‘lish, chekish paytida beparvolik, issiq ish paytida yong‘in xavfsizligi qoidalarni buzish, bolalarning olovga bo‘lgan ehtiyotsizligi, haqmoq tushishi va boshqa omillar sabab bo‘lishi mumkin.

Ochiq joylarda yong‘inlar issiqlik almashinuvi sharoitlariga, yorilishlar, alanga shlyuzining kattaligiga, materiallarning yonishini keltirib chiqaradigan muhim issiqlik oqimlariga, shamolning yo‘nalishi va tezligiga va boshqa omillarga qarab, turli yo‘nalishlarda va har xil tezlikda tarqaladi.

Yong‘in – dahshatli ofat. Shuning uchun u haqda bilishimiz va yong‘in xavfsizligi qoidalarga doimo amal qilishimiz lozim.

**X.NOZIMOV,**  
I.Karimov majmuasi  
YXTTEB inspektori,  
kapitan.

булади.

Шундай экан, ғалладан бўшаган майдонларда сомон қолдиқларини ёқмаслик, ўз соғлиғимизни сақлаш ва барча тирик мавжудотларни асраб-авайлаш ҳамда табиатни мусоффо сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмаслигимиз лозим.

**А.БАЙМЕНОВ,**  
Уртачирчиқ тумани ФВ бўлими  
ЁНваПБ бошлиғи,  
подполковник.

Борлиқ ҳаловатда,  
Само-да сокин,  
Орол нафас олар эртани ўйлаб.  
Нурафшон кунларга йўл олган секин,  
Кўнглига минг турли орзулар жойлаб...

Ногаҳон авзойи бузилди кўкнинг,  
Бирдан етиб келди дарғазаб шамол.  
Эртаю бугундан умиди йўқнинг  
Ўйин бошлагани шудир, эҳтимол.

Нима у юракка беҳос қадалган,  
Ўтганлар руҳининг чирқиллашимми?  
Қақраган вужудин жунубушга солган,  
Тасодиф ғалванинг ғам-ташвишимми?

Сарғайган киприги намланди бирдан,  
Кўзёшми, ёмғирми, билмас эди у.  
Фитна хабарлари келар ҳар ердан,  
Оролнинг кўнглига солганча кутку.

Бошин куйи эгиб, жим қолди шўрлик,  
Йиғлар саксовулга зўрға осилиб.  
Урчиб кетмасин деб жаҳолат, зўрлик,  
Мен ҳам йиғлар эдим унга қўшилиб...

Шу дам хаёлимда жонларан мозий,  
У ҳам шулар ҳақда ўй сурар чоғи:  
Чангалин солдимми ғаламис, осий,  
Қайларга йўқолди яшил гулбоғи?

Қарасам Оролнинг кўз ёши чак-чак  
Томарди хотира уртаб жонимни.  
Умрига қасд этди золим гулпечак,  
Ёмон куйдирганди хонумонини...

Орол ўлмагайдир энди сал-палга,  
Кум-бархан ўрнида буй чўзар ўрмон.

Обод бўлди бугун кент, овуллари,  
Бошида турибди элпарвар инсон.  
Энди кор қилмагай кум довуллари,  
Унга кулиб боқди чиндан ҳам замон.

Ҳар бир манзилида қайнайди ҳаёт,  
Одамлар юзига инди табассум.  
Оролим, бир ишдан огоҳ бўл фақат,  
Дунёда ўйин кўп жудаям машъум...

Қаддингни кўтариб, нафас ростлаб сал,  
Орзу-умид билан боқсанг самога.  
Қадалган ниҳоллар тутганда амал,  
Кўз тегдими, дейман сендек маъвога.

Булбуллар овози қайтиб маконга,  
Чайқалиб-чайқалиб солларан боғлар.  
Кумликлар йўл берган чоғда чаманга,  
Қайдан келиб қолди кўзгуну зоглар.

Дунё, айт, айт ахир, нега шу дамда,  
Рухимда кезмоқда ғалат бир ўкинч:  
Нелар юз бермоқда бу кун оламда,  
Қай бир юрт таланган, қай бири нотинч?

Айт, нега борарлар шум жарлик томон,  
Фиску фасодларга шерикдир нега?  
Айт, нега савашар беҳис оломон,  
Йул кўрмас осийлар тирикдир нега?

## Ўткир РАҲМАТ



Айни авжи ёз.  
Уруш нималигин билмас эди у,  
Фақат киноларда кўрганди, холос...

Мардум орасида бордир бегона,  
Бу фитнани ана шулар чиқарди?  
Бир кунда минг ёшга қариди она,  
Бир кунда отанинг сочи оқарди.

Ахир, ўйламасми инсон, дегани,  
Ғанимлар ўйинда ғолибдир тоқай?!  
Бизни кечирарми виждон, дегани,  
Бизни кечирарми маъсум болақай?!

Оролим, инжима, етар энди, йўқ,  
Ўрнингга дардингни ютиб бераман.  
Сен сари отилса, магар бирор ўқ,  
Ишонгин, кўксимни тутиб бераман.

Бу ишлар дунёнинг макри ҳойнаҳой,  
Йиғлама Оролим, чекмагин озор.  
Бошингни куйишга энг муносиб жой,  
Ишонгин, сен учун менинг елкам бор.

...Шу топда ўйларим қўймайди омон,  
Гўёки чайқалиб бормоқда очун.  
Нечун қора тортди мусаффо осмон,  
Нега безовтадир муқаддас замин?

Эҳтимол, кўнглида минг турли савол  
Ичини тимдалаб ўтаётгандир.  
Даҳри дун макридан бечора Орол  
Аламдан кўз ёшлар тўкаётгандир...

Эй дўстим, огоҳ бўл, йўлингга тузоқ,  
Чалғитиб қўймасин ғаним тиккан ғов.  
Ўзингни асрагин, қадрдон Мўйнок,  
Кўк қадар юксалгин, азиз Бўзатов.

Тинчлик тилагайман сенга ҳар замон,  
Эзгуликлар сари ташла деб қадам.  
Дуода турибди Бердак ҳам ҳамон,  
Ана, "Омин" дейди Ажиниёз ҳам.

Қароғи намланган, дили-чи пора,  
Душман йўлини боради тўсиб...  
Қардошликни алқаб шеър ўқир, қара,  
Силкиниб-силкиниб Ибройим Юсуп.

Биламан, ҳасратинг достони узун,  
Кел, артай кўздаги жолаларингни.  
Бовурум, ёвга ем бўлмаслик учун,  
Асрагин ғанимдан болаларингни.

Ҳадемай бу кунлар ўтади, албат,  
Ғашликлар чекина, диллар ёришар.  
Ягона ўтинчим — ўғитим фақат:  
Бирлашган йўлчилар чўққилар ошар.

Орол кўзёшлари тинади шунда,  
Адашган ироқлар ўзанга қайтар.  
"Нима етишмайди бизга очунда?!"  
Ҳар оқил кимсаки шу гапни айтар.

Орол қайтиб кўзёш тўқмаслик учун,  
Яшнасин кўнгилда меҳру муҳаббат.  
Дунёга омонлик тилайлик бугун,  
Тақоррлайлик келгин шу сўзни фақат:

Биласан, иккимиз бир тану бир жон,  
Ажратиб бўлмагай — эту тирноқмиз.  
Муқаддас бу тупроқ — жонажон макон,  
Қардошмиз — ўзбекмиз, қорақалпоқмиз!

Билгин, нифоқ солмас ағёрлар тоши,  
Бежиз тақдир бизни боғлаган эмас.  
Бир бўлсак, Оролнинг оқмас кўз ёши,  
Инграмас,

Бўзламас,  
Ортиқ йиғламас...



# ОРОЛ СОҒИНЧИ

(Баллада)

Бир пайт мовий эди, қандай зўр эди,  
Мавжланган тўлқини сачрар осмонга.  
Бироқ ҳардамхаёл, анча ғўр эди,  
У сиймай қолганди манфур замонга...

Унда зарра айб йўқ, этишган мажбур  
"Одил шўро"ларнинг зулми, аъмоли.  
Шундан бери дилим нотинч, беҳузур,  
Усиз хира тортди борлиқ жамоли.

Чекинди,  
Ўрнини олди кумденгиз,  
Кўз очирмай қўйди беҳад тўзони.  
Риёлар...  
Жафолар орти-ку тенгсиз,  
Губорлар қоплади биллур ҳавони.

Шўрлик йиғлаб-йиғлаб яна кичрайди,  
Аҳволин сўрарга кимса бўлмади.  
Бахтсизнинг йўлида ким ҳам учрайди,  
Қирғоғи чекинди, вале ўлмади.

Абадий ҳақиқат: тундан сўнг тонг бор,  
Ширин мева берар қансат, бардош —  
Яна тонглар отди — мовий, беғубор.  
Яна нурлар сочди меҳрибон қўёш.

Яхшилар у томон узатдилар қўл,  
Кум-сахро ўрнида яшил боғ бўлди.  
Яна қувнаб қолди ғариб Оролқўл,  
Бечора денгизнинг кўнгли чоғ бўлди.

Қанча улғу ишлар чиқди амалга,  
Бутун Ўзбекистон бошида гирён.

Ким ёмонлик тилар ўз онасига,  
Ким истар момолар кўзёшин, оҳин?...  
Нур битган чоғ зулмат пешонасига,  
Айт, нега кўзгандинг аждоқлар руҳин?

Оролбўйларига инганда зиё,  
Ёвузлик лашкари кўлдими, ҳайхот.  
Бунчалар урушга ўч бўлдинг, дунё,  
Бунчалар бизларни қийнадинг, ҳаёт?

Бахтимиз кўролмас қайси бир нокас,  
Унинг ҳийласидан урчи ғалаён,  
Юракдан отилиб чиқади бир сас,  
Кўз олдимида ғалат ҳоллар намоён:

...Гўдаклар кўзидан қалқийди кўзёш,  
Она кўкка боқиб, айлайди нола.  
Эзиб, янчиб борар қайси бағритош,  
Оёқлар остида қолди бечора...

Яна бир гул сўлди,  
Очмайин гунча  
Топталди...  
Эзилди...  
Навқирон ниҳол...  
Бундаин кўргулик, дардни туйгунча,  
Қандай чидар экан, билмайман Орол?!

Бу инсон фидойи,  
Қирқдами ёши.  
Нечага кирганин, билмайман рости.  
Тагин бир инсоннинг тугади оши,  
Яна ғолиб келди ўлимнинг дасти.

Ичимни тирнайди ғалати туйғу:  
У йигит жон берди...



# Vaziyat

gazetasi

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқулодда**  
**вазиятлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЙОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи  
**Б.ВАЛИЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Катта дархон, 20-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 382

Газета  
"BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6050 нусха